



2016 у.г. «12» сентабр

№ 637-18

Kattaqo'rg'on sh. – г. Каттакурган

“Тикувчилик цехи ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳамда кўп қаватли уй-жой” қуришга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги № 54-сон “Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шахарсозлик кодексларига мувофиқ Каттақўрғон шаҳрининг бош режасини муаллифи “Ўзшахарсозлик ЛИТИ” ДУКнинг 2016 йил 16 майдаги № 1-10/1866 сонли келишув хатини, шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия далолатномасини, Каттақўрғон шаҳар “Каттақўрғон обод” МЧЖнинг шаҳар ҳокими номига ёзган аризасини инобатга олиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги қошида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Каттақўрғон шаҳар “Каттақўрғон обод” МЧЖга Мафтунқули кўчаси атрофида буш турган 700 кв.метр ер майдонида “Тикувчилик цехи ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ҳамда кўп қаватли уй-жой қуриш ҳамда атрофини ободонлаштириш ишларини амалга оширишга рухсат берилсин.
3. “Каттақўрғон обод” МЧЖга белгиланган тартибда келишилган лойиҳа – смета хужжатлари асосида қуриш учун хужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.
4. Ушбу қарор объектини қуришга муҳандислик корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.
5. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”да кўрсатилган 3 йил муддат ичида Каттақўрғон шаҳар “Каттақўрғон обод” МЧЖга томонидан ишлар амалга оширилмаса ушбу қарор бекор қилинсин.
6. Ерни натура тарзида жойида ўлчаб бериш, бугинги кун архитектура ва қурилиш талабларига жавоб берадиган ҳолда тасдиқланган лойиҳа асосида қурилишни назорат қилиш шаҳар Архитектура ва қурилиш бўлими ҳамда Каттақўрғон шаҳар “Ермулккадастр” давлат корхонаси зиммаларига юклатилсин.
7. Белгиланган тартибда солиқ ва бошқа тўловларни ўндириш шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (М.Жураев) зиммасига юклатилсин.
8. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари И.Маматив зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими

Ш.Ж.Рахмонов